Bank news

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 39 (542) 2006 йил 27 сентябр

АВТОМАТЛАШТИРИШ МУНОСИБ БАҲОЛАНДИ

“ИПАК ЙЎЛИ” БАНКИ ЕТАКЧИ НЕМИС БАНКИ – COMMERZBANK AGДАН ФАХРИЙ ЁРЛИҚ ОЛДИ

Шу йил 7 сентябрда Commerzbank AG немис банки билан “Ипак йўли” банки вакиллари ўртасида учрашув ўтказилиб, унда банкларараро бизнесни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Commerzbank AGнинг МДҲ, Болтиқбўйи ва Монголия мамлакатлари молия институтлари билан ишлаш департаменти вице-президенти Аксел Боммершайм томонидан “Ипак йўли” банкига 2006 йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида SWIFT форматида мижозлар тўловларини автоматлаштиришда 90 фоизлик даражага эришганлиги учун фахрий ёрлиқ топширилди.

“Ипак йўли” банки Commerzbank AG билан бир қаторда бошқа етакчи халқаро ва чет эл банклари – Deutsche Bank Trust Company Americas, American Express Bank Ltd (США), Deutsche Bank AG (Германия), Raiffeisen Zentralbank Oesterreich (Австрия), Казкоммерцбанк (Қозоғистон), “Азия-Инвест” банки, “Импэксбанк” ва “Анелик РУ” банки (Россия) билан ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

«СОВҒА» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки матбуот хизматининг хабарига кўра банк бўлинмаларида Мустақилликнинг 15 йиллиги шарафига очилган “Совға” қисқа муддатли омонатига жисмоний шахслардан пул маблағлари қабул қилиш давом этмоқда. Муддати 90 кун бўлган ушбу депозит бўйича фоиз ставкаси йилига 24 фоизни, омонатнинг энг кам суммаси эса 300 минг сўмни ташкил қилади.

Лола АБДУАЗИМОВА.

Бу сонда:

2 *Минтақалардан хабарлар*

3 *«Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни*

7 *Хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари*

ОБУНА – 2007

“Банк ахборотномаси” газетасига обуна бошланди

Газетанинг обуна индекслари:
юридик шахслар учун:
ўзбек тилида: 102
рус тилида: 104

жисмоний шахслар учун:
ўзбек тилида: 377
рус тилида: 378

Газета сотувга чегараланган нусхада чиқарилади.

Маълумот учун телефонлар: 1345843, 1344318

Сиз доимо энг яхшисини танлаш имконига эгасиз!

«АСАКА» БАНКИ АКТИВЛАРИ ДЕЯРЛИ 1,3 БАРАВАР КЎПАЙДИ

Ўзбекистонда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган молия-кредит институти - “Асака” давлат акциядорлик-тижорат банкининг активлари 2006 йил январ-август ойларида 29,4 фоиз кўпайиб, 783,027 млрд. сўмга етди.

Хусусан, банкнинг даромад келтирадиган активлари ҳисобот даврида 16,4 фоиз ўсиб, 602,636 млрд. сўмга, шу жумладан кредит портфели 5,4 фоиз ўсиб, 461 млрд. сўмга етди.

“Асака” банкининг мажбуриятлари шу йил саккиз ойи ичида 47,7 фоиз ўсиб, 615,776 млрд. сўмга, шу жумладан юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи 24,0 фоиз ўсиб, 232,423 млрд. сўмга етди.

Банкнинг ўз сармояси 3,8 фоиз ўсди ва 167,251 млрд. сўмга етди. Шулардан 5,475 млрд. сўми шакллантирилган устав сармояси ҳиссасига тўғри келади. Бу маблағлар номинали 100 минг сўм бўлган 54,75 минг дона оддий акцияни жойлаштириш ҳисобига тўпланди.

Ҳозирги вақтда устав сармоясининг 98,33 фоизи миқдоридаги акциялар пакетига эга бўлган Ўзбекистон Молия вазирлиги ва 1,67 фоизига эга бўлган “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси “Асака” банкининг акциядорларидир.

2006-2008 йилларга мўлжалланган мулкни хусусийлаштириш ва давлат мулкидан чиқариш дастурига мувофиқ, банк акцияларининг 51 фоизини тендер савдолари воситасида чет эллик инвесторларга сотиш мўлжалланмоқда.

“Асака” давлат акциядорлик-тижорат банки мамлакатимиз молиявий хизматлар бозорида иш бошлаганига 10 йилдан ошди ва у юқори технологияларга асосланган универсал кредит институтидир. Банк 1995 йил ноябр ойида ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда сармояси ва активларининг миқдори жиҳатидан Ўзбекистонда тижорат банклари орасида иккинчи ўринда туради.

Банкнинг минтақавий тармоғи 27 та филиал, 73 та мини-банк ва республика минтақаларидаги чакана хизмат марказларидан иборат. Хизмат кўрсатилаётган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан юридик ва жисмоний шахслар сони 22 мингдан ёки бозорнинг 6 фоизидан кўпроқни ташкил қилади.

Банк ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг фаол иштирокчиси. У иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида бевосита чет эл инвестицияларини жалб этишга ёрдам бермоқда. Хориждаги 225 та етакчи банк билан вакиллик алоқалари ўрнатилган.

“Асака” банки чет элдаги таниқли “Euromoney”, “Global Finance” ва “The Banker” нашриётларидан бир неча бор “Ўзбекистондаги йилнинг энг яхши банки” деган баҳони олган.

Шохруҳ АЛИМОВ.

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 26 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	924,93
1 Англия фунт стерлинги	2340,91
1 Дания кронаси	211,24
1 БАА дирҳами	334,84
1 АҚШ доллари	1229,79
1 Миср фунти	214,62
1 Исландия кронаси	17,43
1 Канада доллари	1101,17
1 Хитой юани	155,30
1 Қувайт динори	4252,83
1 Россия рубли	46,11
1 Украина гривнаси	243,52
100 Ливан фунти	81,93
1 Малайзия ринггити	334,50
1 Норвегия кронаси	187,96
1 Польша злотийси	397,08
1 Сингапур доллари	776,73
1 СДР	1829,68
1 Туркия лираси	809,61
1 Швеция кронаси	170,07
1 Швейцария франки	997,80
1 ЕВРО	1574,87
10 Жанубий Корея вони	13,02
10 Япония иенаси	105,72

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»НИНГ ЎЗ САРМОЯСИ ДЕЯРЛИ 55 МЛРД. СЎМГА ЕТДИ

Саноатнинг стратегик жиҳатдан муҳим тармоқларини молиялаш ва кредитлашга ихтисослашган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ активлари миқдори 2006 йилнинг январ-август ойларида 28,2 фоиз ўсиб, 695,748 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хусусан, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки кредит портфели ҳисобот даврида 30,2 фоиз ўсди ва 2006 йил сентябр ҳолатига 399,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг ўз сармояси жорий йилнинг саккиз ойида 15,3 фоиз ўсиб, 54,9 млрд. сўмни, шу жумладан шакллантирилган устав сармояси 33,4 фоиз ўсиб, 15,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳозирги вақтда умумий номинал қиймати 6,6 млрд. сўм ва ҳар бирининг номинал баҳоси 1,5 минг сўм бўлган 4,4 млн. дона оддий акциядан иборат еттинчи эмиссияни жойлаштириш давом этмоқда. Уларни сотиш банкнинг устав сармоясини 18 млрд. сўмга етказишга имкон беради.

Банк акциядорларига 2005 йил якунларига кўра оддий акциялар бўйича 18 фоиз миқдорида ва имтиёзли акциялар бўйича 40 фоиз миқдорида дивидендлар тўланди. Хусусан, 2005 йил якунларига кўра олинган даромаднинг 34,9 фоизи шу мақсадларга йўналтирилди.

2006 йил январ ойида “Ўзсаноатқурилишбанк” қайта ташкил қилиниб, унга “Ўзприватбанк” қўшилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” 1922 йил ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда молия-кредит институтлари орасида учинчи ўринни, активларининг катталиги жиҳатидан тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Унинг таркибида 47 та филиал, 78 та мини-банк ва 182 та жамғарма касса бор.

Диёр КОМИЛОВ.

АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 26 сентябр ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1236,00	1239,00	1575,00	1595,00
“Асака” банки	1236,00	1239,00	1577,00	1586,00
“Ўзсаноатқурилишбанк”и	1236,00	1239,00	1576,00	1586,00
“Пахта Банк”	1237,00	1239,00	1580,00	1585,00
“Халқ банк”и	1236,00	1239,00	1575,00	1580,00
“Ипотекабанк”	1236,00	1239,00	1575,00	1585,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1236,00	1237,00	1582,00	1585,00
“UzKDBбанк”	1233,00	1239,00	1574,00	1597,00
“Ғаллабанк”	1236,00	1239,00	1575,00	1580,00
“Трастбанк”	1236,00	1239,00	1575,00	1585,00
“Алп Жамол банк”	1236,00	1239,00	1575,00	1587,00
“Алоқабанк”	1236,00	1238,00	1575,10	1598,70
“Ў-Т банк”	1236,00	1239,00	1575,00	1595,00
“Туронбанк”	1238,00	1239,00	1578,00	1585,00
Ўзбекистон-Германия “Савдогар” АТБ	1236,00	1239,00	1575,00	1590,00
“Ипак йўли” банки	1236,00	1239,00	1582,82	1586,66
“Микрокредитбанк”	1236,00	1239,00	1556,00	1565,00
“Туркистон” банк	1236,00	1238,00	1590,00	1620,00
“Даврбанк”	1236,00	1239,00	1565,00	1580,00
“Кредит-Стандарт” банки	1236,00	1239,00	1575,00	1595,00
“Капитал банк”	1236,00	1239,00	1574,90	1598,00
“Содерат банк”	1236,00	1239,00	1532,00	1602,00
“Ҳамкорбанк”	1237,00	1239,00	1575,00	1595,00
“Универсалбанк”	1236,00	1239,00	1564,00	1568,00
“Парвинабанк”	1236,00	1239,00	1556,00	1559,00

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ – ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Маълумки, Президентимизнинг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги 3750-сонли Фармонига кўра хусусий, оилавий тадбиркорларга, микрофирмаларга, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган деҳқон-фермер хўжаликларига микрокредит ва микролизинглар берила бошланди. Хўш, Қашқадарё воҳасида бу соҳада қандай ишлар олиб борилмоқда? Қашқадарёлик мухбиримизнинг "Микрокредитбанк" АТБнинг вилоят филиали бошлиғи Акром СУЛАЙМОНОВ билан қилган суҳбатида шу ва бошқа саволларга жавоб топасиз.

- Ҳаммамизга маълумки, "Микрокредитбанк" ташкил этилгач, хўжалик юритувчи субъектлар билан банк муносабатларида "илиқлик" юзага келди. Яъни бу банкдан ортиқча оворагарчиликларсиз, қоғозбозликсиз кредит расмийлаштириш жорий этилди. Молия бозорида кредитлашнинг бу соддалаштирилган усули ўзини оқлаяптими?

- Биласизми, банк учун энг муҳим нарса – мижоз ишончини оқлаш. Ўз навбатида мижоз ҳар жиҳатдан банк ишончига сазовор бўлса ва микрокредитни аниқ мақсад йўлида йўналтира олсагина биз ўзимизни кўзлаган мақсадимизга эришган деб ҳисоблаймиз. Шу маънода микрокредит олишга сазовор бўладиган мижоз бизда чуқур ўрганилиб, тегишли ўқув семинарларда ўқитилиб, шундан сўнг тақдим қилган лойиҳаларини молиялаштириш имконияти берилади. Ўтган қисқа давр банкимиз учун юксалиш, ривожланиш ва шаклланиш даври бўлди, десам хато қилмаган бўламан. Вилоят филиали тасарруфида 9 та банк бўлими мавжуд. Бундан ташқари, чекка қишлоқларда 34 та мини-банк бўлими очишга ҳам улгурдик. Улар 10957 нафар мижозга намунали банк хизмати кўрсатиб келмоқда.

Кредит олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар соддалаштирилиб, сон жиҳатидан бирмунча қисқартирилган, мижозларимиз бор-йўғи 3 та ҳужжат орқали бу жараённи амалга оширмоқдалар. Бу усул ўзини албатта оқлайди.

Бугунги кунда мижозларимизнинг 5222 нафари оилавий ва хусусий тадбиркорлар, 50 таси нодавлат ташкилотлар, 135 таси бюджет ҳамда 1063 таси бошқа ташкилотлардир. Яна бир мисол: шу йилнинг 1 июн ҳолатида мижозларимиз сони 10709 та бўлса, 2006 йилнинг 1 сентябрига келиб, 10957 тага етди ёки улар сафи 248 тага кўпайди. Асосий мақсадимиз ҳам шу. Банкимиз ўз олдига Президентимизнинг ПФ-3750-сонли фармонига асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса микромолиявий хизматлардан қишлоқ жойлардаги кенг аҳоли қатламлари баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий кўмак беришни янада кенгайтириш вазифасини қўйган.

- Айтингчи, Сиз юқорида тилга олган Фармон талабларини бажариш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси қандай? Яъни банк молия бозоридаги ўз мавқеини мустаҳкамлай олаяптими?

- Иқтисодиётимиз эркинлашиб, ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўсиб бормоқда. Бу ютуқлар калити – банклар ҳисобланади. Қаерда банк хизмати яхшиланса, ўша жойда юксалиш бўлади. Айтмоқчи эдимки, ўтган вақт, гарчи у қисқа бўлсада, муҳим янгиликларни татбиқ этиш имкониятини яратди. Жумладан, Миришкор, Ғузор, Деҳқонобод туманларида 3 та янги мини-банк очилди. Уларда мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Шу йилнинг июн, июл, август ойларида 693,8 млн. сўмлик микрокредит ва микролизинг хизмати кўрсатилди. Хўжалик юритувчи субъектларга бошланғич сармояни шакллантириш учун 66,1 млн. сўмлик, бизнесни ривожлантириш ва фаолиятни кенгайтириш учун 571,9 млн. сўмлик микрокредит ва 55,8 млн. сўмлик микролизинг хизмати кўрсатилди.

Шунингдек, бошқармамиз бўлимлари томонидан Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли Қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтириш мақсадида 286,9 млн. сўмлик кредитлар берилди. Бу имкониятдан 335 нафар фуқаро фойдаланди.

- Банк даромади ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз. Чунки банк қанча кўп даромад олса, унинг имкониятлари кенгайиб, мижозлар билан муносабатлари, яъни хизмат кўрсатиш даражаси ортиб бораверади, шундай эмасми?

- Худди шундай. Шу маънода банк бўлимлари томонидан олинган даромадлар таҳлил қилинганда 2006 йилнинг 1 июн ҳолатига олинган даромад 654294 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич шу йилнинг 1 сентябрига келиб, 1246180 минг сўмга етди. Яъни шу давр мобайнида 591886 минг сўмга ёки 52,5 фоизга ошди. Буни қувонарли ҳол деб баҳолаш мумкин. Аммо бу борада биз янада яхшироқ натижаларни қайд этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Агар шу мақсад амалга ошса, мижозларга ўз ҳисобимиздан микрокредит ва микролизинг хизмати кўрсатиш кўламини кенгайтирамиз.

- Демак, келгусидаги режалар янада улкан. Шу ҳақдаги фикрларингиз билан суҳбатимизга якун ясасак.

- Дарҳақиқат, мақсадимиз келгусида тадбиркорлик субъектларига микрокредит бериш ва микролизинг бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли сиёсатни шакллантира бориб, воҳамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам банкимиз тармоқларини кенгайтириб, маҳаллий аҳолининг анъаналарига мос келадиган ва уларнинг талабларини тўла қондира оладиган хизмат турларини таклиф этиш ва келажакда ҳар бир хонадоннинг ишончини оқлаб, "молиявий маслаҳатчиси"га айланишдир.

Сўзим сўнгида барча мижозларимиз хонадонига қут-барака, ўзларига сиҳат-саломатлик тилайман.

- Самимий суҳбат учун ташаккур.

Саид МЕЙЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЯНЧИ

Бугунги кунда қишлоқ жойларда ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника ҳамда товар-моддий бойликлари билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш, мазкур тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, шунингдек тараққиёт омили ҳисобланган фермерликни ривожлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу масалаларнинг ҳар томонлама муваффақиятли ҳал этилиши эса, бутун молия ташкилотлари, хусусан банк тизими фаолиятига боғлиқдир. Айни пайтда банкларда бу жараён қандай давом этаётганлигини акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармасида олиб борилаётган ишлар мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Мамлакатимизда аграр соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг молиявий воситачиси бўлиб келаётган АТ "Пахта Банк" бевосита деҳқон ва фермер хўжаликларга иқтисодий таянч сифатида самарали хизмат қилмоқда.

Хусусан, Юртбошимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-308-Қарорининг талабларидан келиб чиқиб, банк ўз маблағлари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси ҳисобидан жорий йилда жами 830,9 млн. сўмлик кредитлар ажратиб, ҳудудда мазкур соҳанинг кенг ривожланиши учун катта ҳисса қўшишга эришди.

Шунингдек, банк бўлимлари томонидан жалб қилинаётган кредит ресурслари асосан халқ хўжалигининг реал секторларига жойлаштирилмоқда. Жумладан, вилоят бўйича жами берилган кредитларнинг 860 млн. сўми деҳқончилик, чорвачилик ва паррандачилик соҳасига, 294,8 млн. сўми саноат соҳасига, 192,4 млн. сўми қурилиш ва маиший хизматлар учун ҳамда 153,9 млн. сўми бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Вилоятда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари доирасини кенгайтириб бориш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари ҳам бевосита "Пахта Банк" кўмагида қизғин суръатларда давом этмоқда.

Бунга мисол қилиб, банкнинг ҳисобот йилида барча молиялаш манбалари ҳисобидан вилоят бўйича 320 га яқин тадбиркорлик субъектларига жами 1500,8 млн. сўм миқдорида ажратган имтиёзли кредитларини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу жалб этилган кредитлар эвазига айни пайтда вилоятда 650 га яқин янги иш ўринлари яратилган.


Бундан ташқари, "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармасида ўз фойдасининг 25 фоизини ажратган ҳолда Имтиёзли кредитлаш жамғармасини шакллантирган. 2006 йилнинг 1 июл ҳолатига мазкур жамғарма миқдори 1049,0 млн. сўмни ташкил этди. Жамғарма ҳисобидан имтиёзли фоиз ставкалари билан мижозларга кредитлар тақдим этилмоқда.

Гулшан ЮСУПОВА.

БАНК ХИЗМАТИДАН МАМНУНМИЗ

дейишмоқда пахта йиғим-теримида қатнашаётган ҳашарчи теримчилар

Барча жойда бўлгани каби, Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида ҳам саноатимиз учун қимматли хом ашё ҳисобланган пахта ҳосилини йиғиштириб олиш авжида. Мавжуд куч ва имкониятлар иш суръатини ошириш ва ҳашарчи-теримчиларни қўллаб-қувватлашга сафарбар этилган. Ана шу долзарб мавсум банк тизимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда.



Йиғим-теримда иштирок этаётган ҳашарчи теримчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида беришга ҳаракат қиляпмиз, - дейди акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" Пахтакор филиали бошқарувчисининг ўринбосари Дилмурод Тоғаев. – Дастлабки беш кунликда ҳашарчиларга туман бўйича 206,16 млн. сўм миқдорида накд пул берилди.

Кейинги беш кунликда уларга қарийб 150 млн. сўм накд пул ажратилган бўлиб, унинг 70,84 млн. сўми бевоста банк мижозлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирда банк 472 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 352 таси фермер хўжаликларидир. Фермер хўжаликларига банк томонидан консалтинг хизмати кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жойларда ҳар 10 та фермер хўжалигига 1 нафар банк ходими бириктирилган бўлиб, улар фермерларга бизнес-режа ва молиявий ҳисобот тайёрлашда, пахта ва ғалла маҳсулоти етиштиришда ҳар томонлама маслаҳат ҳамда йўл-йўриқлар кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида фермер хўжаликларига айлантирилган ширкат хўжалик корхоналари ҳудудидаги фермерларга қулайлик яратиш мақсадида 8 та мини-банк фаолият юритмоқда. Ушбу мини-банклар томонидан 249 нафар мижозга хизмат кўрсатиляпти.

Мини-банклар томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш мақсадида шартнома асосида 1 сентябр ҳолатига 3 млрд. 527 млн. сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, мини-банкларда коммунал ва савдо ҳамда бошқа тушумларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Қисқа муддатда жами 187,9 минг сўм тушум пуллари қабул қилинди. Ташкил этилаётган мини-банкларнинг барчаси малакали ходимлар билан яхши таъминланган. Бу ўз навбатида банкнинг аҳоли билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга, мижозларга замон талаби даражасида сифатли ва юқори маданиятли хизмат кўрсатишга замин ҳозирламоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
Жиззах вилояти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 28 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Микрокредит ташкилоти

Микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир.

Микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақли.

Микрокредит ташкилоти ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

4-модда. Микрокредит ташкилотларини ташкил этиш

Микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Микрокредит ташкилотлари давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

5-модда. Микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари

Микрокредит ташкилоти таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатларида муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;

бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги;

микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги;

микрокредит ташкилотида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

6-модда. Микрокредит ташкилотининг устав фонди

Микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади.

Микрокредит ташкилотининг устав фондини шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

7-модда. Микрокредит ташкилотининг фирма номи ва мухри

Микрокредит ташкилотининг фирма номида "микрокредит ташкилоти" сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа микрокредит ташкилотларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "микрокредит ташкилоти" сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Микрокредит ташкилоти ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган мухрига эга бўлиши керак. Мухрда айни вақтнинг ўзида фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти ўз номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир.

8-модда. Микрокредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

9-модда. Микрокредит ташкилоти фаолиятини лицензиялаш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда микрокредит ташкилоти микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга оширади.

Микрокредит ташкилотига лицензия бериш тўғрисидаги ёки лицензия беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинган ва лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календар кун ичида қабул қилинади.

10-модда. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Микрокредит ташкилоти лицензия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

лицензия бериш ҳақидаги ариза;

микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари;

микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;

микрокредит ташкилоти бошқарув органларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

микрокредит ташкилотининг устав фонди шакланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.

11-модда. Лицензия беришни рад этиш

Тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга номувофиқ бўлган ва тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиши мумкин.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор буюртма берувчига рад этиш сабаблари ҳамда буюртма берувчи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

12-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микрокредит ташкилоти томонидан ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талаблари, шу жумладан лицензия талаблари ва шартлари бузилганда;

микрокредит ташкилотининг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар мазкур ташкилот томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микрокредит ташкилоти тўловга қобилиятсиз бўлганда;

ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;

микрокредитлар бериш бўйича фаолиятни амалга ошириш лицензия берилган пайтдан эътиборан олти ойдан ортиқ муддатга кечикканда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Лицензиянинг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланган тақдирда, у бекор қилинади.

13-модда. Микрокредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар

Микрокредит ташкилоти қуйидаги турлардаги микромолиявий хизматлар кўрсатиши мумкин:

микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;

қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);

микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг (молия ижараси);

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилишга ҳақли эмас.

14-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларнинг манбалари

Микрокредит ташкилоти қуйидагилар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади:

ўз маблағлари, шу жумладан олган даромадлари;

инвесторлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар томонидан инвестиция шартномалари асосида берилган маблағлар;

банкларнинг кредитлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари;

халқаро молия институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг грантлари ва қарз маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга доир ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий тизимнинг барқарорлигини сақлаш, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда:

микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдорини ҳамда молиявий ва касса операциялари ўтказишнинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг мазкур ташкилотлар учун мажбурий бўлган қоидаларини белгилайди;

микрокредит ташкилотларининг фаолиятини текширади ва уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга оид бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарининг малакасига доир талабларни белгилайди;

микрокредит ташкилоти томонидан айрим молиявий операциялар ўтказишни уч ойгача бўлган муддатга чеклайди;

микрокредит ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ёки лицензияни бекор қилади.

16-модда. Микрокредит ташкилотининг филиаллари

Микрокредит ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ҳақли.

Микрокредит ташкилотининг филиали ўз фаолиятини микрокредит ташкилоти учун берилган лицензия асосида амалга оширади.

17-модда. Микрокредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш

Микрокредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18-модда. Низоларни ҳал этиш

Микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19-модда. Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 сентябр
№ ЎРҚ - 53

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

"МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 17 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги** 154-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш";

2) **17-модданинг еттинчи ва саккизинчи хатбошилари** "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **VIII бўлимнинг номи** "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **50-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50-модда. Банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифалар

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади.

Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналар фаолиятини ва қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш ҳақ эвазига, Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш ҳақ эвазига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Берилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши керак.

Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритади";

5) **51-модданинг:**

биринчи қисми учинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "ва микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми:

иккинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги "ва кредит уюшмаларининг" деган сўзлар "кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўнинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "ва микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **53-модданинг тўртинчи қисми** "Кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 сентябр
№ ЎРҚ - 54

Доимо эъзоздасиз, устозлар!

ЕТУК ОЛИМ, ТАЛАБЧАН МУРАББИЙ

Атрофимизда биз қадрлашимиз лозим бўлган инсонлар талайгина. Бундай кишилар, шоир тилида айтганда, умр шамчироқлари ҳисобланиб, улар биз учун бутун ҳаёт давомидаги бахту иқболимизни таъминлаб беради.

Ҳа, азиз ўқувчи, илгаганингиздек гап улуғ устозларимиз ҳақида кетмоқда. Мана шундай мураббийлардан бири, айни пайтда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида фаолият юритаётган иқтисод фанлари доктори, профессор, 150 дан зиёд илмий қўлланмалар, монографиялар ҳамда банк ишига оид адабиётлар муаллифи Октам РАШИДОВдир.



Октам Рашидов 1968 йил ўрта мактабни имтиёзли равишда тамомлаб, Санкт-Петербургдаги Техника университети томон йўл олади. Зукко, ҳаракатчан талаба номини олган О. Рашидов тез орада иқтисод-муҳандислик мутахассислиги бўйича дипломни қўлга киритиб, дастлабки фаолиятини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институтида бошлайди. Устозлари кўмагида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Октам Юнусович кейинги фаолиятини талабалар билан ишлашга қаратади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида қарийб 30 йилдан буён катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, факультет декани каби лавозимларда ишлаб, минглаб талабаларнинг азиз устозига айланган О.Рашидов айни пайтда ушбу университетдаги "Банк иши" кафедрасининг мудири сифатида фаолият юритмоқда.

Умри давомида фақат тўғрилик кўчасидан юриб, холис иш юритишни шиор қилиб олган Октам Рашидовнинг бугунги меҳнат фаолияти ҳақида қизиқиб, домлага саволлар билан мурожаат қилдик.

- Октам Юнусович, кафедра мудири сифатида қўл остингизда ишлайдиган ўқитувчилардан нималарни талаб қиласиз?

- Айтадилар-ку, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак, деб. Бу нақл замирида фақат маънавий хулқ эмас, балки илмий салоҳиятнинг даражаси ҳам назарда тутилган. Бугунги глобаллашув жараёнида талабаларни соҳамизга оид янгиликлар билан мунтазам равишда тўйинтириб бориш бизнинг бош мақсадимиз. Шу боисдан ҳам раҳбар сифатида ўқитувчилардан биринчи навбатда машғулотларнинг сифатли ўтилишини талаб қиламан. Сифатли дарснинг баҳосини эса, талабаларнинг фанларни ўзлаштирганлик даражасидан билса бўлади.

Ўзингизга маълум, ҳозирги пайтда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг сифат босқичи бошланган. Унга кўра дарсларнинг янги педтехнологиялар асосида ўтилиши кенг кўламда жорий қилинмоқда. Бу борада барча илм даргоҳлари қатори университетимизда ҳам жуда кўп амалий ишлар қилинмоқда. Ўқитувчилар томонидан ҳар бир фан бўйича маърузалар матни ва улар асосида ўқув қўлланмалар яратилиб, кутубхоналарга, электрон вариантлари эса, компьютерларга жойлаштирилган.

Илгари ўқитувчилар дарсларни фақат маъруза ўқиш билан ўтказган бўлса, эндиликда машғулотлар икки томонлама мулоқот тарзида олиб борилмоқда. Қилинаётган бундай ишлар эса, албатта ўз самарасини бермоқда. Талабаларимиз ўқишни битирмасданоқ ўз иш ўринларини топишга, мамлакатимиз ва халқаро давлатлар миқёсидаги грантларда ғоялари билан иштирок этиб ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлмоқда.

- Талабалар билан яқиндан мулоқот қилишда раҳбарлик салобати халақит бермайдими?

- Йўқ, аксинча, мен дарс ўтиш фурсатидан фойдаланиб талабалардан уларни қизиқтираётган масалалар, қийнаётган муаммолар ҳақида билиб олишга ва, албатта, уларнинг ечимини топишга ҳаракат қиламан. Қолаверса, раҳбарлик вазифасига фақат иш столида амал қилиш керак, деб ўйлайман. Мен шунга амал қилган ҳолда аудиторияда ўзимни мутлақо бошқача, яъни барча ўқитувчилар қатори талабалар билан яқиндан муносабат ўрнатаман.

- Маълумки, бугунги давр кўпроқ назариёт билан амалиётнинг уйғунликда давом этишини ёқламоқда. Айтинг-чи, кафедрангиз асосан қайси банклар билан яқиндан алоқа ўрнатган?

- Кафедрамиз асосан банк-молия соҳасига тегишли 4 та йўналиш – банк иши, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар (бакалавр йўналишида) ҳамда кредит, халқаро валюта ва кредит муносабатлари (магистратурада) йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайди. Бу эса, бевосита банклар билан ҳамкорлик қилишни тақозо қилади.

Шу боис факультетимиз республикамизда ўзига хос мавқега эга бўлган йирик банклар, жумладан, Миллий банк, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", "Асака", "Турон" каби банклар кўмагида иш олиб боради. Масалан, Миллий банк ҳар йили 3-4-босқич талабалари ўртасида танлов эълон қилиб, уларнинг орасида муносиб деб топилганларини алоҳида захира ходимларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитиб боради. Улар бакалавриатни тамомлаб, қўлларига диплом олганларида эса, тайёр кадр сифатида Миллий банк тақсимлаган иш ўринларида фаолият юрита бошлайдилар.

"Пахта Банк" билан алоқамиз икки томонлама манфаат доирасида тузилган. Унга кўра талабаларимиз таҳсил давомида олган назарий билимларини мазкур банк мисолида амалий ўрганиб боришлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Улар ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, банкнинг турли бўлимларида малака оширадилар. Шунингдек, кафедрамиз профессор-ўқитувчилари "Пахта Банк" билан тузган шартномага мувофиқ, жойларда, жумладан Фарғона вилоятининг Марғилон, Қашқадарё вилоятининг Қарши ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этилган банк ходимларини қайта тайёрлаш ўқув марказларига бориб семинар машғулотларини ўтказадилар.

Бундан ташқари, "Ғаллабанк", "Асака" ва "Турон" банкларидан бевосита мутахассислар келиб, талабаларга банк-молия тизимидаги энг сўнгги янгиликлар, ташкил қилинган замонавий хизматлар кўлами билан яқиндан таништириб амалий машғулотлар ўтадилар.

Илгари университетимиз йирик хорижий банклар сирасига кирувчи Жаҳон ҳамда Осиё тараққиёт банклари билан ҳамкорликда иш олиб борган. Эндиликда ўша алоқаларни қайта тиклаш ниятидамиз.

- Шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

- Мен доимо бу ерда таҳсил олаётган ҳар бир талаба учун масъул эканлигимни ҳис қиламан. Халқаро иқтисодий алоқалар факультети ҳар йили 500 га яқин битирувчилар (шундан 420 таси бакалавр, 70 дан ортиғи магистр)ни мустақил ҳаётга учирма қилади. Демак, ўша 500 та талабанинг ҳақи бор менда. Шунинг учун ҳам ёрдам сўраб келган ҳар бир талаба билан алоҳида ишлайман.

Шу пайтга қадар 30 га яқин фан номзодларини тайёрлаганман. Ҳар йили аспирант, магистрант ва бакалавриат талабаларига илмий раҳбарлик қиламан.


- 1 октябр - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ҳамкасбларингизга тилакларингиз?

- Тўғри, ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққати бор. Бироқ устоз гарданидаги масъулият ҳеч нарсага тенг келмайди. Шу боис ҳам мамлакатимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга аввало, туганмас куч-қувват, метин ирода ва сабр-қаноат тилайман.

Устоз учун энг катта бойлик, энг қиммат совға – бу шогирдлар камолини кўриб юриш. Ҳамкасбларимга доимо мана шу бахт ҳамроҳ бўлсин деб қоламан.

ЮЗДА МЕҲР, ҚАЛБДА ЗИЁ МУРАББИЙ

Жамиятимизда шундай касб эгалари борки, улар машаққатли меҳнатлари эвазига бошқаларга қараганда кўпроқ ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади. Улардаги сабр-бардош, меҳр-муҳаббат бошқалардан ажралиб туради. Бундай кишилар инсонларни камолот сари етакловчи, улар онгига маънавият ёғдуларини сочиб тургувчи устозлардир.



Тошкент Молия институти ўқитувчиси Клара Наврўзова ҳам банк-молия соҳасида таҳсил олаётган ҳар бир талабанинг қалбидан муносиб ўрин эгаллаган жонкуяр устозлардан. 25 йилдирки, у талабаларга банк иши фанидан сабоқ бериб келмоқда.

К.Наврўзова 1981 йилларда собиқ Тошкент Халқ хўжалиги институти, ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида банкларда бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича таҳсил олиб юрган кезларидаёқ устозлари эътиборига тушади. Шу боисдан ўқишни тамомлагач, мазкур билим юртининг Пул муомаласи кафедрасига ассистент қилиб ишга олинади.

- Болалигимда ҳисобчи бўламан, деб ният қилардим. Аммо устозларим сабабчи бўлиб, педагоглик соҳасида фаолият юрита бошладим. Бундан ҳеч ҳам афсусланмайман, чунки бу касбга лаёқатлилик менга наслдан ўтган. Онам раҳматли ҳам бошланғич синф ўқитувчиси эдилар.

"Банкларда бухгалтерия ҳисоби", "Жамғарма иши", "Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими" каби бир нечта методик ўқув қўлланмалар муаллифи бўлган Клара Нуриддиновна айни пайтда Тошкент Молия институтининг "Банк иши" кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритмоқда. Домла ҳар йили икки-уч нафар фан номзодларига, бир нечта магистр ва бакалаврларга устозлик ҳам қилиб келади.

- Устозимиздан нафақат соҳамизга оид фан сирларини, балки юксак педагогик маҳоратни ҳам ўргандик, - дейди Клара Наврўзова шогирдларидан бири, айни пайтда Тошкент банк коллежи ўқитувчиси З. Умаров. – У киши ҳар бир талабанинг қизиқишига қараб улар билан алоҳида шуғулланади, яқиндан ёрдам беради.

Устоз меҳнати оғир. Ахир, у юзлаб талабаларнинг кўнглига кириши, илм ўргатиши лозим. Зиммасидаги ишни талаб доирасида бажариши учун ўз устида тинмай изланиши, янгиликлардан бохабар бўлиши ҳам улар учун ўта муҳимдир. Ўқитувчи токи ўқувчисидан бир-икки қадам олдинда бормас экан, у ўз шогирдига билим беролмайди, касбига муносиб эҳтиромга эришолмайди. Бунинг учун у тунни тонгга улаб ишлайди, албатта.

- Хотиржам дам ололмайман, негадир. Виждоним йўл қўймайди. Устозларим олдидаги қарзимни узай деб, не-не орзу-ҳаваслар, улкан мақсадлар билан келган талабаларнинг тўрт йиллик умри зое кетмасин деб ҳаракат қиламан. Кафедрадаги профессор-ўқитувчилар билан ҳар йили янги ўқув йилига алоҳида тайёргарлик кўрамиз. Бу йил ҳам ёзги таътил мавсумидан унумли фойдаланиб ҳамкасбларимиз билан бирга фанимизга доир 2-3 та ўқув қўлланмалар ва маърузалар матнини тайёрлаб кутубхоналарга тарқатдик, - дейди Клара Наврўзова.

- Раҳбар сифатида шуни айтишим керакки, Клара Наврўзова тажрибали, моҳир педагог бўлганлиги боис доимо талабаларимизнинг илм олишга бўлган интилишини қондириб келган,- деб таъкидлади "Молия-иқтисод" факультети декани Зокир Йўлдошев. – Биргаликда фаолият юритаётганимизга қарийб беш йил бўлган бўлса, ҳали-ҳануз талабалардан у киши ҳақида ҳеч қандай эътирозли фикрлар эшитмаганман.

Нима ҳам дердик, юзида меҳр, қалбида зиё балқиб турган бундай маънавият зиёкорларининг машаққатли меҳнатлари доимо эъзозда. Байрамингиз қутлуғ бўлсин, устозлар!

Саҳифани Назира МАВЛОНОВА тайёрлади.

КАДРЛАР АУДИТИ

(Охири. Боши 38-сонда).

Бундан ташқари, кўпгина компаниялар (айниқса кадрлар стратегияси ғарбдаги штаб-квартирадан кўчирилган компаниялар) расмиятчиликка ҳаддан ташқари зўр беришади. Масалан, АҚШда кам сонли миллатлар ва бошқалар учун квоталар белгилаш удум бўлган. Шундай экан, Америка фирмаларининг бошқа мамлакатлардаги ваколатхоналари ҳам талабга кўра, шундай қилишлари керак.

Равшанки, маслаҳатчиларнинг иши "муаммоли нуқталарни" аниқлаш билан тугамайди. Кадрлар билан шуғулланувчи маслаҳатчи-аудиторлар раҳбарга унинг компанияси дуч келиши мумкин бўлган хатарларни таърифлаб ва кўрсатиб берадилар, шунингдек у қайси йўналишдан бориши кераклигини тавсия қиладилар. Бунда битта эмас, қоида тариқасида икки-учта ечим таклиф қилинади.

Масалан, қандайдир йирик компания стратегик даражада жиддий ўзгаришларни – янги лойиҳа, инвестициялар ва шу кабиларни амалга ошира бошлади. Лекин компаниядаги ахборот оқимлари тизими шундай ташкил этилганки, компанияда нималар юз бераётганини ходимларнинг 95 фоизи билмайди. Улар асабийлашган, натижада беқарорлик кучайган. Ходимларнинг бир қисми ярим йиллик контрактга ўтказилиши биланоқ ишловчилар ишдан бўшатилармиш, деган миш-мишлар тарқалган. Ҳолбуки, бундай тадбир асло режалаштирилмаган. Кўплар ўзларига иш қидира бошлашган. Шунда бир нечта тавсия берилди. Биринчидан, ахборот оқимини кучайтириш – раҳбарлар иштирокида ҳар ҳафтада жамоа йиғилишларини ўтказиб туриш, ойда бир марта компания бўйича ахборотнома тарқатиш, ички интернет тармоғини яратиш, сўровномалар, корпоратив сафарларни ва шу кабиларни ўтказиб туриш тавсия қилинди.

Равшанки, компания олинган тавсияларнинг қайси биридан фойдаланишни ўзи танлайди. Бу фирмада сўров ўтказила бошланди, технология уларга жуда ёқди. Бундан ташқари, директор ходимлар олдида сўзга чиқа бошлади, қандайдир кечалар ўтказила бошланди. Улар ички тармоқни ташкил қилмадилар, ахборот варақасини бор-йўғи бир-икки марта чиқардилар, холос. Аммо муаммони бартараф этишга муваффақ бўлинди.

Дарвоқе, кадрлар аудити бўйича мутахассислар тавсияларни жорий этиш билан шуғулланмайдилар. Бу алоҳида ҳақ тўланадиган мутлақо бошқа ишдир.

Инновациялар бўлими томонидан тайёрланди.

КЕЛАЖАКНИНГ ИШОНЧЛИ ИҚТИСОДЧИЛАРИ

Мана ўқув йилининг биринчи ойи ҳам якунига етай деб қолди. Юртимиз лицей-коллежларига янги кирган ўқувчилар ҳам ўқиш жараёнининг муҳим жиҳатларини тушуниб етишган, масъулият ва ҳавас билан таҳсилни бошлашган. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар маънавиятли, билимли, ахборотлашган кадрларни етказиб беришга қаратилгани сабабли биз ҳам газетамиз саҳифаларида таълим тизимидаги янгиликларни доимий ёритиб борамиз. Шу сабабли, Тошкент иқтисодиёт коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ҳаёт МУҲИТДИНОВдан коллежнинг айни кундаги фаолияти билан таништиришни сўрадик.



- Бугунги кунда коллежда 4 та йўналиш бўйича 1200 дан ортиқ ўқувчи таҳсил олади. Булар халқаро бизнес, банк иши, молия ҳамда бухгалтерия ҳисоби йўналишларидир. Янги ўқув йилида 650 нафар абитуриентдан синов асосида 450 тасини ўқишга қабул қилдик. Коллеж таркибида 6 та кафедра мавжуд бўлиб улардан 2 таси умумтаълим ва 4 таси мутахассислик кафедраларидир.

Барчамизга маълумки, етук мутахассисларни талабчан, жонкуяр мураббийлар, малакали ўқитувчилар тайёрлаб беради. Шу жиҳатдан коллежнинг 75 нафар ўқитувчисидан 7 нафарини фан номзодлари, 15 нафарини эса олий тоифали педагоглар ташкил этишини таъкидлаш ўринли.

Олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқалар, жумладан профессор-ўқитувчиларини таълим жараёнига жалб этиш ҳақида сўраганимизда Ҳаёт Муҳитдинов шундай жавоб берди:

- Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан доимий узвий алоқадамиз, шу олий ўқув юртлари профессорлари билан тез-тез учрашувлар бўлиб ўтади. Иқтисодиёт университетининг лицей ва коллежлар бўйича ректор ўринбосари Гулчеҳра Охунова ўқув-услубий масалаларни тизимга солишда амалий ёрдам бердилар. Бундан ташқари Иброҳим Тоймуҳамедов, Раъно Каримова, Шаҳноза Йўлдошева каби малакали профессор-ўқитувчилар ҳам талабалар билан тез-тез мулоқотда бўлиб турадилар. Айни вақтда коллежни тамомлаб чиққан ёшлар иқтисодий соҳаларнинг барча тармоқларида, айниқса банк тизимида фаолият олиб бормоқдалар. Улар асосан касса бўлимларида, валюта айирбошлаш шохобчаларида ишламоқдалар.

Бугунги кун ёшларининг маънавий қиёфаси, уларнинг ахлоқий савияси энг долзарб масалалардандир. Ҳар бир талаба, улғайиб келаётган авлод бўш вақтини мазмунли ташкил этиши, ҳар қандай ташқи таъсирларга, турли хил оқимларга берилмаслигини назорат қилиш аввало ота-она, сўнгра мураббийлар, қолаверса маҳалла-кўй зиммасидаги вазифадир. Иқтисодиёт коллежи ҳам бу борада қатор ишларни амалга оширган. Масалан, 2005-2006 ўқув йилида коллежнинг маънавият ва маърифат бўлими томонидан ўқувчилар орасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, диний ақидапарастлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган бир қатор тадбирлар, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, маҳалла фаоллари ҳамда дин уламолари билан давра суҳбатлари ўтказилган. Ёшларнинг орасида ташаббускорликни кучайтириш, ижтимоий-сиёсий фаолликни ошириш учун Камолот ёшлар ижтимоий бошланғич ҳаракати ҳам фаолият олиб бормоқда.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ҚАЕРДА ЎҚИСАМ НАФИМ ТЕГАДИ?

БЕШ-ЎН ЙИЛДАН КЕЙИН ҚАНДАЙ КАСБЛАРГА ТАЛАБ БЎЛАДИ?

Маълумки, дунё постиндустриал даврга қадам қўймоқда. Бу даврда ишлаб чиқариш тобора автоматлашади, инсон ресурси эса асосан инновацион технологиялар ва сервис соҳасида банд бўлади. Бу ҳаракат билан боғлиқ ўзгаришлар меҳнат бозорига ҳам тааллуқлидир. Ҳар 10-15 йилда талаб қилинадиган мутахассисликлар рўйхати баъзан айтиш ҳам қийин бўлган янги номлар билан тўлиб боради.

Бундан йигирма йиллар муқаддам биров билиб, биров билмаган "маркетолог" деб аталадиган касб ҳозирга келиб энг талаб катта бўлган касбларнинг бирига айланишини ким ҳам ўйлаб кўрибди, дерсиз? Ҳозирги абитуриентларнинг ота-оналари ва ўқитувчилари тез ўзгариб бораётган дунёда мўлжални тўғри ола билишлари жуда қийин. Шунинг учун ҳам "доим пулли бўлиб келган" юрист ёки иқтисодчи касбларини эгаллашни истовчиларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳолбуки, бундай мутахассислар меҳнат бозорида тўлиб-тошиб ётибди. Аммо кўпгина компанияларнинг раҳбарлари ўзларига керакли мутахассисни кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топа олмай, гаранг бўлишмоқда.

Талаб билан таклиф чегарасида туриб, кўп йиллар мобайнида меҳнат бозорини кузатиб бораётган ходимларни танлаш бўйича мутахассислар кейинги беш йилликда қандай касблар удум бўлиши ҳақида ўз тахминларини айтишмоқда. Масалан, рекрут компаниялари муҳандис-технолог мутахассислигига талаб жуда катта бўлишини башорат қилишмоқда. Бундай мутахассислар тақчиллиги 90-йилларда бу касбнинг обрўси тушиб кетганлиги оқибатида кадрлар соҳасида "ўпирилиш" юз берганлиги туфайли вужудга келди. Ўшанда бир ерда депсиниб қолган саноат минглаб муҳандисларни ишсиз қолдирди. Ҳозир эса аксинча: янги ишлаб чиқаришлар пайдо бўлди, шунга мувофиқ даражадаги технологлар ва, энг муҳими, тажриба эса қолмади. Яқин йиллар ичида олий техник маълумотга эга бўлган мутахассислар – юқори малакали техниклар, курувчиларга жуда катта талаб пайдо бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ кимёгарлар, генетиклар, математикларга бўлган талаб ўсди ва бундан буён ҳам ўсаверади.

Ахборот технологиялари (IT) соҳасидаги кадрлар тақчиллиги юз бериши тахмин қилинмоқда. IT маҳсулотларини сотиш, дастурлаш ва уларнинг хавфсизлиги соҳасидаги мутахассислар айниқса керакли бўлади. Тўғри, IT-бизнес келажакда ўта табақалашади. Ўрта даражадаги дастурчилар бўлмайди, буни Ғарб мисолидан тушуниш мумкин. У ерда ҳозирнинг ўзидаёқ, вазифалар қўядиган ёки тизимни таҳлил қиладиган озчилик ва қўйилган вазифани шунчаки бажарадиган кўпчилик – "қора ишчилар" мавжуд. Бироқ адолат юзасидан шуни айтиш керакки, кадрлар соҳасидаги очарчилик ҳозирча компьютерчиларнинг иш ҳақига таъсир кўрсатгани йўқ.

Маркетинг ва PR соҳасидаги профессионаллар учун ҳам ишга жойлашишда муаммолар бўлмайди. Бу ҳол биринчи навбатда компаниялар бизнеси йириклашуви ва реклама ҳамда PR бўлимлари кенгайиши билан боғлиқ. PRни ўз маҳсулотини илгарилатиш учун асосий восита деб ҳисоблайдиган саноат корхоналарида жамоатчилик билан алоқалар соҳасидаги мутахассисларга талаб айниқса катта. Рекламада турли даражадаги мутахассислар, полиграфия бўйича мувофиқлаштирувчилардан бошлаб стратегик вазифаларни ҳал қилишга жалб этилган менежерларгача талаб катта бўлади. Маркетологлар учун ҳам иш топилади. Ҳозирги кунда бозорни яхшилаб таҳлил қилмасдан иш юритиб бўлмайди.

Равшанки, юристлар ҳам йўқ бўлиб кетмайди. Ҳозирги кунда беҳисоб бўлган "кенг соҳа ҳуқуқшуносларини" ўрнига тамомила конкрет йўналишлар бўйича мутахассисларга талаб пайдо бўлади. Чунончи, мутахассисларнинг фикрича, бир неча йилдан кейин корпоратив юристлар, шунингдек кўчмас мулк билан шуғулланадиган мутахассисларга талаб ҳаммадан катта бўлади. Бошқа истиқболли ихтисослар орасида солиқ бўйича юристларни ва фуқароларнинг шахсий ишларини юритадиган юристларни айтиб ўтиш мумкин. Жамиятнинг турмуш даражаси астасекин ўсиб бораётганлиги сабабли, шахсий мулк билан боғлиқ ишлар тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда. Интеллектуал мулк билан шуғулланадиган юристларга келсак, яқин йиллиар ичида уларга бўлган талабнинг ўсиши эҳтимолдан йироқ.

Тахминларга кўра, таржимонлар бозорида ҳам катта ўзгаришлар кутилмоқда. Инглиз, француз ва бошқа кенг тарқалган Европа тилларини ҳозирги вақтда жуда кўп одам билади. Шу сабабли шу тиллардан таржима қилувчиларга, яхши мутахассисларни истисно этганда, талаб катта бўлмаса керак. Кам ишлатиладиган тиллар, масалан, хитой ёки япон тилини олсак, айниқса шарқлик шериклар билан муносабатлар ривожланишини ҳисобга олганда, бу соҳада фаолият учун кенг майдон очилиши мумкин. Социологлар ва психологлар маркетинг тадқиқотларида ва PRда жуда асқотиши мумкин. Бунинг устига, юқорида айтиб ўтилганидек, бу тармоқларнинг истиқболи жуда порлоқ.

Равшанки, ҳар қандай фаолият соҳасида энг қадрли кадр – креатив, яъни ижодий фикрлашга қобилиятли инсондир. Масалан, Хитойда бундай кадрлар бор-йўғи икки фоизга яқин. Инсониятнинг эртанги куни индивидуаллаштирилган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ. Якка буюртмалар бўйича тайёрланган мебел ва кийим-кечак, ҳар хил хизматларнинг кўплиги – буларнинг барчаси келажак креатив шахсларга тегишли эканлигини кўрсатмоқда.

Бироқ, олдин мутахассисларни тайёрлаш керак. Айтайлик, таржимонлар ва юристлар соҳасида муаммо бўлмаса, кўпгина янги мутахассисликлар, масалан, маркетинг бўйича ўқитувчилар етишмайди. Энг мос номзод – обрўли давлат олий ўқув юртининг битирувчисидир.

Бироқ, кечаги талабанинг ихтисоси унга қандай ўқитилган бўлса айнан шундай ҳолида талаб қилинишига ишонч йўқ. Шундай экан, бизнес вакиллари, эҳтимол, ҳозирнинг ўзидаёқ "ўзларига мос" ва ўз дастурлари асосида мутахассислар тайёрлаш утсида жиддий бош қотиришлари керак. Ҳозир "ўзларига мос" кадрлар тайёрлашдан чет эл компаниялари ҳаммадан кўпроқ манфаатдор. Эксперт-лар айтишича, профессионал жиҳатдан меҳнат ресурсларига бўлган талаб билан таклифнинг бир-бирига мос келмаслиги, натижада ходимлар тайёрлашнинг ўз тизимини ташкил этиш зарурлиги, шунингдек, корхонада, айниқса ўрта бўғин технологлари ва менежерлари орасида, юқори даражали профессионал кадрлар етишмаслиги тез орада корхона раҳбарлари учун асосий бош оғриғи бўлиб қолади.

Лекин, ҳар ҳолда, у ёки бу соҳада қанча ва қандай мутахассислар кераклигини ким ҳал қилади? Ҳозирча бу савол очиқ қолмоқда. Кўпчилик экспертларнинг фикрича, бу масала билан бизнес ва давлат биргаликда шуғулланиши керак.

Мамлакатга қандай мутахассислар керак, деган масала муҳокама қилинаётган вақтда, олий маълумот олишни истайдиганлар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Ғалати туюлмасин-у, бу ёмон. Чунки, ҳозирги кунда меҳнат бозорига фақат олий маълумотли мутахассислар керак эмас. Унда малакали ишчиларга – коллеж, лицейларни битириб чиққанларга эҳтиёж катта. Лекин, бу алоҳида суҳбат мавзуидир.

"Итоги" журнали материаллари асосида тайёрланди.

«ПАХТА БАНК» ҚЎШИМЧА ЭМИССИЯНИ ЖОЙЛАШТИРИШГА КИРИШАДИ

Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази "Пахта Банк"-нинг умумий номинал қиймати 500 млн. сўм бўлган 11-акциялари эмиссиясини рўйхатга олди.

Қўшимча эмиссия номинали 1 минг сўм бўлган 500 минг дона оддий акцияларни чиқариш билан таъминланади. Уларни жойлаштириш банкнинг устав сармоясини эълон қилинган 13,5 млрд. сўм миқдорига етказиш имконини беради.

Ҳозирги кунгача "Пахта Банк"нинг устав сармояси 12,85 млн. дона оддий ва 150 минг дона имтиёзли акцияларни жойлаштириш ҳисобига 13 млрд. сўм миқдорида шакллантирилган.

2006 йил 1 сентябр ҳолатига банк акциядорларининг сони 77,5 мингдан, шу жумладан 57,2 минг нафар жисмоний шахс ва 20,3 мингта юридик шахсдан ошиб кетди. Юридик шахслар орасида молия институтининг энг йирик эгаларидан бири "Ўзпахтасаноат" ассоциацияси бўлиб, у устав сармоясининг 5,38 фоизи миқдоридаги акциялар пакетига эга.

2004 йилда бўлганидек, 2005 йил якунлари бўйича ҳам банк акциядорларига оддий акциялар учун номиналнинг йиллик 20 фоизи, имтиёзли акциялар учун 40 фоизи миқдорида дивидендлар тўланди. Дивиденд тўлаш учун 2004 йил якунлари бўйича тўланган 30,5 фоиз ўрнига ўтган йилги фойданинг 31,1 фоизи сарфланди.

"Пахта Банк" АТБ 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги вақтда Ўзбекистон молия-кредит муассасалари орасида ўз сармоясининг ҳажми жиҳатидан учинчи ва соф активларининг миқдори жиҳатидан тўртинчи ўринда туради.

Банк 13 та ҳудудий бошқармага, 187 филиал, 640 та минибанкка эга бўлиб, улар ҳозирги вақтда 135 мингдан ортиқ юридик ва 260 минг нафардан ортиқ жисмоний шахсга хизмат кўрсатмоқда.

Шу йилнинг саккиз ойи ичида "Пахта Банк"нинг ўз сармояси 9,0 фоиз кўпайиб, 63,71 млрд. сўмга (рентабеллик – 10,5 фоиз), активлари 86,1 фоиз ўсиб, 647,142 млрд. сўмга (1 фоиз) етди.

Шохруҳ АЛИМОВ.

«АЛП ЖАМОЛ БАНК» УСТАВ САРМОЯСИНИ КЎПАЙТИРДИ

Очиқ турдаги хусусий акциядорлик-тижорат "Алп Жамол банк" умумий қиймати 400 млн. сўм бўлган ва номинали 10 минг сўм бўлган 400 мингта оддий акцияни чиқариш йўли билан таъминланган 11-акциялар эмиссиясини тўла-тўкис жойлаштириб бўлди.

Ҳозирги вақтда "Алп Жамол банк"нинг устав сармояси 15 нафар жисмоний шахс ва иккита юридик шахс ўртасида 180 минг дона оддий акцияни жойлаштириш ҳисобига 2,2 млрд. сўм миқдорида шакллантирилди.

2006 йил май ойида бўлиб ўтган банк акциядорларининг навбатдаги йиғилишида 100 минг дона оддий акция чиқариш ҳисобига номинал қиймати 1 млрд. бўлган 12-акциялар эмиссиясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

Жорий йилнинг октябр ойида "Алп Жамол банк" акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида қўшимча эмиссияни битта ёки иккита транш билан ўтказишни аниқлаш режалаштирилмоқда.

2005 йил якунлари бўйича банк акциядорларига 2004 йилдаги 33,1 фоиз ўрнига йиллик 35,5 фоиз ҳисобидан дивидендлар ҳисобланди. Ўтган йилги дивидендларнинг бир қисми, шунингдек шу йил биринчи чораги учун 19,2 фоиз миқдоридаги дивидендлар 11-эмиссия акциялари тарзида тўланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг банк тизимида 10 та хусусий банк бўлиб, улар орасида "Алп Жамол банк" ўз сармоясининг миқдори жиҳатидан иккинчи ўринда ва соф активларининг миқдори бўйича тўртинчи ўринда туради.

2006 йил 1 январдан бошлаб янги ташкил этиладиган хусусий банклар учун устав сармоясининг энг кам миқдори миллий валюта эквивалентида 1,5 млн. АҚШ долларидан 2 млн. АҚШ долларигача оширилди, 2007 йилдан бошлаб эса у 2,5 млн. долларгача кўтарилади.

"Алп Жамол банк" 1998 йил март ойида ташкил этилган. Унинг таркибида тўртта филиал, олтита мини-банк, учта пулни тез жўнатиш пункти бор. Мижозлари 2,9 мингта юридик шахс ва 27,4 минг нафар жисмоний шахсдан иборат.

Денис БОРОДИН.

ФАОЛЛИК ОШМОҚДА

Республикамиздаги кредит уюшмаларининг жами активлари жорий йилнинг биринчи ярмида 51,0 фоиз ўсди ёки 1 июлга келиб, 12,2 млрд. сўмдан ортиқ бўлди.

Кредит уюшмаларининг жами капитал маблағлари шу йилнинг январ-июн ойларида 36 фоиз ошди ва 2006 йил 1 июл ҳолатига 2,82 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўз аъзоларининг маблағларини депозитларга жалб қилишда ҳам кредит уюшмалари фаоллик кўрсатди. Жорий йилнинг 1 июлигача жалб этилган депозитлар ҳажми 8,6 млрд. сўмдан ортиқ бўлди ёки 50 фоиз кўпайди.

Активларнинг барқарор ўсиши туфайли кредит уюшмалари томонидан ажратилаётган ссудалар ҳажми ва бошқа турдаги кредит маҳсулотлари доираси кенгайиб бормоқда. Ажратилган кредитларнинг 60 фоизи истеъмол товарлари харид қилиш ҳамда савдо ва умумий овқатланиш соҳасига тегишли лойиҳаларни молия лашга йўналтирилган. Аммо сўнгги пайтда реал сектор, кўчмас мулк, турар жой, маиший хизмат ва бошқа соҳаларга ҳам қарз маблағлари ажратиш кўпаяётгани кузатилмоқда.

Кредит уюшмалари барча турдаги қарз олувчиларга ўтган олти ой мобайнида ажратган ссуда маблағлари ҳажми 49 фоиз ошди ёки 10,6 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида уларнинг аъзолари сони сезиларли даражада (26,0 фоиз) ошди. 2006 йил 1 июлига келиб тизимга аъзо бўлганлар сони 42604 тага етди. Уларнинг 663 таси юридик шахслардир.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги (2006 йил 23 июн) низомига мувофиқ Тошкент шаҳрида тузилаётган кредит уюшмалари учун устав фондининг энг кам миқдори 50 минг АҚШ доллари эквивалентида, бошқа аҳоли манзилларида тузилаётганларга эса 25 минг АҚШ доллари эквивалентида ўрнатилган.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 32 та кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Марказий банк Матбуот хизмати.

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ

Аҳолининг кредит уюшмаларига нисбатан ишончини ошириш, кредит уюшмаларининг барқарор ривожланишини таъминлаш заруриятларини ҳисобга олган ҳолда, 2006 йилнинг 11 августида Кредит уюшмалари ассоциацияси қайта ташкил қилинди, унинг фаолият мақсадлари ва вазифалари белгилаб олинди, ташкилий тузилиши қисман ўзгартирилди ва янги бўлинмалари ташкил қилинди. Ассоциация Низомига тегишли ўзгартишлар киритилди ва Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказилди.

Қайта ташкил қилишнинг асосий мазмуни ассоциацияда икки даражали аъзолик мақомини ўрнатиш ва Барқарорлаштириш фондини ташкил қилишдан иборат бўлди. Бундан буён ассоциацияда аъзолик икки турга бўлинади: доимий аъзолар (айни пайтда ассоциациянинг таъсисчилари) ва номзод аъзолар.

Номзод аъзолардан фарқли равишда доимий аъзолар ассоциациянинг бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш, умумий йиғилишларда овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашиш, ташкилот фаолиятини бошқаришда иштирок этиш, Ассоциациянинг барча хизматларидан фойдаланиш, ташкил қилинаётган Барқарорлаштириш фондини шакллантириш ва бошқаришда қатнашиш, шунингдек, фонд маблағларидан Ассоциация ички қоидаларига биноан фойдаланиш ҳуқуқларига эга.

Ассоциациянинг доимий аъзоси бўлиши учун, кредит уюшмаси фаолияти қатъий талабларига жавоб бериши ва тегишли рейтингга эга бўлиши лозим.

Ассоциациянинг номзод аъзолари қонунчиликдаги ўзгаришлар тўғрисида тезкор маълумот олиш, бошқа кредит уюшмалари билан тажриба алмашиш, тадбирлар ва тренингларда имтиёзли қатнашиш, фаолият юритиш масалалари бўйича маслаҳатлар олиш, шунингдек, Ассоциациянинг ички қоидаларида белгиланган бошқа хизматлардан фойдаланиш каби имкониятларга эга.

Ассоциация фаолияти қайта ташкил қилингандан кейин, «Авиценна», «Аср», «Ишонч», «Ласточка», «Нурафшон», «Осиё Траст», «Таянч» ва «Шердор» кредит уюшмалари доимий аъзоликка қабул қилинди. 2006 йилнинг 18 август кунида бўлиб ўтган янги таркибдаги Ассоциация Кенгашининг биринчи йиғилишида «Барака», «Инъом», «Кредо», «Мададкор», «Олтин Водий», «Омад», «Ташаббус», «Фаровон», «Финанс-плюс» ва «Хазина» кредит уюшмаларидан иборат бўлган номзод аъзоларнинг янги рўйхати тасдиқланди. Ассоциация Кенгашининг раислигига Хадича Жаъфарова қайта сайланди.

Барқарорлаштириш фонди Ассоциациянинг доимий аъзолари бўлган кредит уюшмаларининг омонатларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш мақсадида ташкил қилинмоқда. Бу тизим кредит уюшмалари фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш ва доимий аъзолар ўртасида ўзаро кафолатларни кучайтириш орқали омонатларни ҳимоя қилишнинг молиявий мустаҳкам бўлган, ишончли тизимини ташкил қилиш имконини беради.

Омонатларни ҳимоя қилишнинг бундай тузилмасини ташкил қилиш аҳолига ўз пулларини кредит уюшмаларига тўла ишонч билан қўйиш имконини беради, сабаби янги тизим омонатчиларнинг маблағларини келажакдаги хатарлардан ишончли сақлай олади ва бундай хатарлар юзага келган тақдирда, омонатчига ўз маблағларини тўлалигича қайтарилишини таъминлайди.

Ассоциациянинг доимий аъзолари бўлган кредит уюшмалари омонатларини кафолатлаш тизими 2006 йилнинг ноябр ойи бошида «Альянс-гарант» брэнди остида йўлга қўйилиши кутилмоқда.

Лайло АЗИЗОВА.

«УНИВЕРСИТЕТ»: АҲОЛИ УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

"Университет" кредит уюшмаси 2002 йил Ўзбекистон Миллий Университети қошида университет ходимларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, уларга моддий кўмак бериш мақсадида ташкил этилган.

Уюшманинг фаолияти ҳам худди бошқа кредит уюшмалари сингари ўз аъзоларини моддий қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ҳамда, консультатив ва ахборот хизматларини кўрсатишдан иборат. Айни вақт уюшма 553 та аъзога молиявий хизмат кўрсатади. Жумладан, талабалар ҳам уюшма хизматларидан фойдаланган ҳолда имтиёзли ўқув кредитлари олишмоқда. Таълим кредити ойига 2 фоиз тўлов билан асосан Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти аҳолисига берилади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, университет профессор-ўқитувчилари учун 3 фоизли имтиёзли кредит мавжуд бўлиб, айни вақтгача ундан кўплаб уюшма аъзолари фойдаланишган. Кредитлар асосан истеъмол моллари хариди (ойига 5,6 фоиз), бизнес юритиш (ойига 6,7 фоиз), таълим олиш (ойига 2 фоиз) учун берилади. Кредит олиш учун кредит олувчи аъзолик тўғрисидаги сертификат, шунингдек, турар жойдан, иш жойидан ва даромади тўғрисида маълумотнома тақдим этиши керак. Кафолат таъминоти учун автоулов, тилла буюмлар, банк кафолати ҳамда пайчиларнинг кафиллигини қўйиш мумкин. 2006 йил 1 сентябр ҳолатига кўра кредит уюшмасининг активлари миқдори 133,86 млн. сўмни, кредит қўйилмалари 1,11 млрд. сўмни, жамғарма омонатлари 9,15 млн. сўмни, муддатли омонатлар 85,8 млн. сўмни, низом жамғармаси эса 35,3 млн. сўмни ташкил этган.

Эъзоз КАМОЛОВА.

2006 йил 19 сентябрдан 25 сентябргача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар*



1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси

19.09.2006 й.да - 26,80 росс. рубли
20.09.2006 й.да - 26,77 росс. рубли
21.09.2006 й.да - 26,80 росс. рубли
22.09.2006 й.да - 26,77 росс. рубли
23.09.2006 й.да - 26,67 росс. рубли

Украина

19.09.2006 й.да - 5,0500 гривна
20.09.2006 й.да - 5,0500 гривна
21.09.2006 й.да - 5,0500 гривна
22.09.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси

19.09.2006 й.да - 2141,50 бел. рубли
20.09.2006 й.да - 2142,25 бел. рубли
22.09.2006 й.да - 2140,75 бел. рубли
25.09.2006 й.да - 2140,75 бел. рубли

Эстония

19.09.2006 й.да - 12,3532 крона
20.09.2006 й.да - 12,3415 крона
22.09.2006 й.да - 12,1991 крона
25.09.2006 й.да - 12,2143 крона

Латвия

19.09.2006 й.да - 0,5494 лат
20.09.2006 й.да - 0,5488 лат
22.09.2006 й.да - 0,5426 лат
25.09.2006 й.да - 0,5432 лат

Литва

19.09.2006 й.да - 2,7260 лит
20.09.2006 й.да - 2,7231 лит
22.09.2006 й.да - 2,6920 лит
25.09.2006 й.да - 2,6954 лит

Молдова

19.09.2006 й.да - 13,3125 лей
20.09.2006 й.да - 13,3100 лей
22.09.2006 й.да - 13,2500 лей
25.09.2006 й.да - 13,2500 лей

Қирғизистон Республикаси

23.09.2006 й.да - 39,3459 сом

Тожикистон Республикаси

22.09.2006 й.да - 3,3824 сомоний

Қозоғистон Республикаси

19.09.2006 й.да - 126,34 тенге
20.09.2006 й.да - 126,43 тенге
22.09.2006 й.да - 126,80 тенге
25.09.2006 й.да - 126,82 тенге

Швейцария

19.09.2006 й.да - 1,2555 швейц. франки
20.09.2006 й.да - 1,2524 швейц. франки
22.09.2006 й.да - 1,2324 швейц. франки
25.09.2006 й.да - 1,2325 швейц. франки

Япония

19.09.2006 й.да - 117,71 япон иенаси
20.09.2006 й.да - 117,14 япон иенаси
22.09.2006 й.да - 116,10 япон иенаси
25.09.2006 й.да - 116,33 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги

Буюк Британия

19.09.2006 й.да - 1,8808 АҚШ долл.
20.09.2006 й.да - 1,8821 АҚШ долл.
22.09.2006 й.да - 1,9035 АҚШ долл.
25.09.2006 й.да - 1,9035 АҚШ долл.

1 евро

Евроминтақа

19.09.2006 й.да - 1,2662 АҚШ долл.
20.09.2006 й.да - 1,2677 АҚШ долл.
22.09.2006 й.да - 1,2824 АҚШ долл.
25.09.2006 й.да - 1,2806 АҚШ долл.

**** Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.***

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб этиш миллий иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан мутлақо янги бўлган, унинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган таркибий тузилишини шакллантиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими, хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин.

Инвестиция жараёнларида давлатнинг иштирокини қисқартиришга йўналтирилган маъмурий ислоҳотлар марказлаштирилган маблағлар ҳажмининг пасайишига олиб келди. 2005 йилда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган инвестициялар ҳажми 384,2 млрд. сўм атрофида бўлди, ҳукумат кафолати эвазига киритилган чет эл инвестициялари ҳажми 180,8 млрд. сўмни ташкил этди. Давлат бюджетининг тўғридан-тўғри харажатларининг асосий капиталга қўйилган жами инвестициялардаги улуши 2,1 фоиз бандига, ҳукумат кафолати билан жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг улуши эса 8,5 фоиз бандига қисқарди ва бу мос равишда 2005 йилги жами инвестициялар ҳажмининг 12,8 фоиз ва 6,0 фоизини ташкил этди.

2004-2005 йиллар мобайнида иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича хорижий капиталнинг таркибида маълум бир силжишлар юз берди. 2005 йилда хорижий капиталнинг ҳажми 518,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ишлаб чиқариш соҳасида унинг улуши 3,5 фоиз бандига ошди ёки умумий инвестициялар ҳажмининг 86,2 фоизини ташкил этди. Саноат тармоғи инвестициялаш учун энг муҳим тармоқ бўлиб бормоқда. Чет эл капиталининг ошиши саноат тармоқларида 9,2 фоиз бандини ташкил этди. Чет эл инвесторлари учун энг жозибали соҳа сифатида транспорт ва алоқа тармоқлари сақланиб қолди. Ушбу соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми чет эл капиталининг умумий улушида 30,2 фоизни ташкил этди. Саноат тармоқларида асосий капиталдаги инвестициялар таркибининг ўзгаришига хорижий инвестициялар оқимининг тармоқлар бўйича ўзгариши сабаб бўлди. Ёқилғи саноатида хорижий инвестицияларнинг улуши 18,6 фоизгача, металлургия мажмуида 16,7 фоизгача ўсди. Ёқилғи саноати ва металлургия мажмуида хорижий инвестицияларнинг жиддий суръатда ўсиши углеводород конларини ўзлаштиришнинг бошланиши ва мавжуд тоғ-кон корхоналарининг техник ускуналар билан қайта таъминлаши билан боғлиқ.

Эришилган ютуқлар билан бирга республикамиз иқтисодиётининг ривожланишида чет эл инвестицияларининг ролини ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда.

Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

сотиб олинган ускуналарни тендер асосида эмас, балки бу ускуналарни ўрнатиш технологияси бўйича тажрибаси бўлмаган воситачилардан сотиб олиниши ва уларни ўрнатишнинг чўзилиши муаммоси;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мамлакат ҳудудлари бўйича ривожланишидаги кескин фарқлар сақланиб қолмоқда.

2004-2005 йиллар мобайнида фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида қўшма корхоналар экспортининг ҳажми ўсиш суръатига эга бўлди. Қолган барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми қисқарди. Бу эса, уларнинг экспорт салоҳиятининг пасаяётганлигидан, хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигига нисбатан салбий омилларнинг таъсири юзага келаётганлигидан далолат беради.

2003-2005 йиллар мобайнида республика иқтисодиётининг устувор тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигидаги асосий капиталга йўналтирилган чет эл инвестицияларининг жалб этилган ва асосий капиталга йўналтирилган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади ва қишлоқ хўжалигидаги инвестицион харажатларни молиялаштиришни ривожлантиришга тўсқинлик қилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сезиларли қисмини тўловга қобиллик даражасининг паст эканлиги бу соҳанинг чет эл инвесторлари учун инвестицион жозибадорлигини пасайтиради.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш ва чет эл инвестицияларининг таъсирини ошириш мақсадида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Чет эл инвестицияларини жалб этиш ва фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш керак.

Бунинг учун, фикримизча, қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим:

а) чет эллик инвесторлар билан тузилган хом ашё етказиб бериш шартномаларида белгиланган хом ашёларнинг баҳосини сезиларли даражада ўсиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Агар бу шарт таъминланмаса, у ҳолда, жалб қилинган чет эл инвестициясидан фойдаланиш самарадорлиги пасаяди ва бу ҳолат, пировард натижада, лойиҳанинг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Республикамизда енгил саноат соҳасига жалб қилинган бир қатор чет эл инвестицияларидан фойдаланишда, пахта хом ашёсининг баҳоси ошиши муносабати билан, шундай муаммога дуч келинди;

б) чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишнинг ҳуқуқий-шартномавий асосларини мустаҳкамлаш зарур.

Республикамизда ташкил қилинган бир қатор қўшма корхоналарнинг очилиши вақтида хорижий таъсисчилар томонидан ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулотни хорижга сотиш ёки уларни сотиб олиш мажбуриятини олган ҳолда контракт тузилган, аммо ишлаб чиқариш бошлангандан сўнг эса бу мажбуриятлар бажарилмаган. Шу сабабли, бундай шартномаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим.

2. Республикамизнинг минтақаларида чет эл инвестицияларини жалб этишнинг илмий жиҳатдан асосланган стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Минтақаларда чет эл инвестицияларини жалб қилишни кучайтириш маҳаллий ҳокимият бошқарув органларининг қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориладиган инвестицион сиёсатининг самарадорлигини оширишни тақозо қилади:

а) минтақанинг инвестицион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш доирасида чет эл инвестицияларини жалб этишни кучайтириш тадбирлари ишлаб чиқилиши ва асосланиши лозим;

б) минтақада чет эл инвестицияларини жалб этиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва бозор инфратузилмасини шакллантириш лозим;

в) ҳар бир вилоятни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унда чет эл инвестицияларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини аниқ акс эттириш лозим. Масалан, 2010 йилгача бўлган даврда чет эл инвестициялари суммасининг вилоятда амалга оширилган инвестициялар умумий ҳажмидаги салмоғи, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг вилоят экспортидаги салмоғи, мазкур корхоналарнинг вилоят импортидаги салмоғи каби муҳим кўрсаткичларнинг прогноз даражалари аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Стратегияда, бизнинг фикримизча, чет эл инвестицияларини жалб этишдаги устувор аҳамиятга эга бўлган иқтисодиёт тармоқлари ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши лозим. Масалан, Қашқадарё вилоятида нефт ва газ саноатининг уч йирик корхонаси жойлашган. Бу эса, нефт ва газ саноати корхоналарига хизмат кўрсатувчи ва уларни бутловчи қисмлар билан таъминлайдиган корхоналарни ривожлантириш мақсадларига чет эл инвестицияларини жалб этишнинг зарурлигини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш чет эл инвестицияларининг Ўзбекистон иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишдаги таъсирини ошириш имконини беради.

Абдухалил ТЎРАҚУЛОВ,
ТИФ МБ Яккасарой филиали бўлим бошлиғи,
Банк-молия академияси "Лойиҳаларни молиялаштириш" факультети тингловчиси.

«MITSUBISHI»НИНГ КИМЁ САНОАТИМИЗГА ЁРДАМИ

Япониянинг Mitsubishi Corp. корпорацияси 2007 йилда Ўзбекистоннинг учта энг йирик кимё заводида – "Навоийазот" ОАЖ, "Электркимёсаноат" ОАЖ (Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри) ва "Фарғонаазот" ОАЖда умумий қиймати 40 млн. АҚШ долларига яқин бўлган "Тоза ривожланиш механизми" (ТРМ) лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда, деб хабар қилди "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси (ДАК) раҳбарияти.

"Ўзкимёсаноат" вакили Mitsubishi юқорида кўрсатилган учта корхонада ТРМ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича "Ўзкимёсаноат" ДАК билан ўзаро ҳамфикрлик ҳақида меморандум имзолади, деб аниқлик киритди.

Япония компанияси кимё заводларига иссиқхона газларидан фойдаланиш бўйича технологиялар ва ноу-хау етказиб бериши режалаштирилмоқда. Бу тадбир корхоналар фаолиятининг энергия сарфлаш соҳасидаги самарадорлигини анча оширишга имкон беради. Лойиҳаларни амалга ошириш муддати – 6-8 ой.

Ушбу лойиҳалар Япония компанияси Ўзбекистон ҳукуматининг кафолатисиз жалб этадиган маблағлари ҳисобидан компанияга қисқартирилган чиқиндиларнинг сертификатланган эмиссиясини топшириш эвазига молияланади.

"Ўзкимёсаноат"дагилар айтишича, ушбу лойиҳаларни амалга ошира бошлаш учун ТРМ бўйича миллий орган ташкил этиш зарур. Бу орган қисқартирилган иссиқхона газлари чиқиндилари эмиссиясини ТРМ лойиҳаларининг инвесторлари ўртасида тақсимлаш ваколатига эга бўлади.

"Биз бундай орган 2006 йил охиригача ташкил этилади деб умид қиламиз, чунки бу Ўзбекистонда ТРМни ишга солиш учун амалда бирдан-бир тўсиқ бўлиб қолмоқда", дейишди "Ўзкимёсаноат"дагилар.

Экспертларнинг фикрича, ривожланган мамлакатлар ёрдамида Ўзбекистон ҳудудида ТРМ технологик лойиҳаларини амалга оширишда қатнашиш халқаро молия ташкилотларининг янги инвестицияларга йўл очиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда Япониянинг бир қатор компаниялари Ўзбекистонда ТРМ лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, Япониянинг Sumitomo корпорацияси республикадаги қуввати жиҳатидан учинчи ўринда турувчи цемент заводи – "Қувасойцемент" ОАЖда (Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри) умумий қиймати 20 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ТРМ лойиҳасини амалга оширишни режалаштирмоқда.

ТРМ лойиҳаларини молиялаш грантлар орқали ҳам, "юмшоқ" қарзлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда қийматнинг бир қисми лойиҳани амалга ошириш жараёнида қисқартирилган иссиқхона газлари чиқиндиларини сотиш ҳисобидан қопланади.

"Туркистон-пресс" НАА.

МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"-да ўтказилган маънавият ва маърифат йўналишидаги навбатдаги йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарорининг муҳокамасига бағишланди. Йиғилишни "Пахта Банк" Бошқаруви Раиси Абдураҳмат Боймуратов олиб борди.

Албатта, ушбу қарор ўз навбатида ҳар бир корхона, муассаса олдига жамоа аъзолари ўртасида, айниқса ёшлар орасида тарбиявий ишларни яхшилашга қаратилган янги-янги вазифалар қўйди.

Ана шу қарор аҳамияти ва мазмун-моҳиятини ёритиб бериш учун банк жамоасига республика Маънавият тарғибот марказининг раҳбари М. Ҳожиматов таклиф қилинди. М. Ҳожиматов қарорнинг асосий мақсади Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишга қаратилганлиги ҳамда ушбу қарордан келиб чиқувчи кечиктириб бўлмайдиган вазифалар тўғрисида батафсил тўхталди.

"Пахта Банк" тренинг маркази.

ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи хорижий компаниялар сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Яқинда Ҳиндистон Савдо-саноат палаталари федерацияси делегация аъзолари ҳам худди шу мақсад билан юртимизда бўлишди.



Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар савдо, инвестиция, илм-фан, технология, қишлоқ хўжалиги, мудофаа, маданият ва таълим, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 55 дан ортиқ ўзаро келишув ҳужжатларидан ташкил топган шартномавий-ҳуқуқий базага асосланади.

Икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон ушбу давлатга самолёт бутловчи қисмлари, тери хом ашё маҳсулотлари, ипак, пахта толаси, асал, нашатир спирти ва бошқа 50 дан ортиқ товарларни етказиб бериш салоҳиятига эга бўлса, ўз навбатида, Ҳиндистон Республикаси ҳам мамлакатимизга тери, дори-дармон, алюмин ва тўқимачилик маҳсулотлари, гилам, машина қурилмалари, кўзойнак учун линзалар, электр моторлар, пойабзал ва пардоз ашёлари каби турли халқ хўжалиги товарларини етказиб беради. Айни пайтда мамлакатимизда ҳинд сармояси иштирокида ташкил этилган 35 та корхона фаолият юритаётган бўлса, шундан 10 таси 100 фоизлик хорижий сармояга асосланган корхоналар ҳисобланади. Бундан ташқари, юртимизда дори-дармон ва биотехнология маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бешта ҳинд компанияси ваколатхоналари ҳам ишлаб турибди.

Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ҳинд ишбилармонларининг мазкур ташрифи давомида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида икки томон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум ўтказилди.

Шунингдек, икки давлат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри шерикчилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида корпорацион биржа бўлиб ўтди. Яккама-якка амалий мулоқотлар давомида ҳамкорлик алоқалари истиқболлари ва биргаликда ишлаб чиқаришни шакллантириш учун инвестицияларни жалб этиш имкониятлари муҳокама этилди.

Жумладан, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик жамияти Ҳиндистоннинг "Мега Грейн Трейдинг" компанияси билан ҳамкорлик ўрнатиб, Ўзбекистонда етиштирилган дон маҳсулотларининг мазкур давлатга экспортини амалга оширишни келишиб олишди. Шунингдек, Қашқадарё вилоятидан ташриф буюрган "Бахти-Нур" ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси ва "Коммодити риал энтерпрайзис" компанияси мева-сабзавот маҳсулотларини айирбошлашни йўлга қўйиш учун шартнома тузишга қарор қилишди.

Гулшан ЮСУПОВА.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзаро манфаатли алоқалар самараси ўлароқ, 26-28 сентябр кунлари Тошкентда ХХР Тижорат вазирлиги ташаббуси остида "Хитой муҳандислик-техника кўргазмаси" бўлиб ўтмоқда.

Хитойнинг "Генертек" компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон, қолаверса, Марказий Осиё давлатларининг Хитой билан савдо-иқтисодий муносабатларини, мамлакатлар ишбилармон доираларининг ўзаро ҳамкорликларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат.

"Хитой муҳандислик-техника кўргазмаси" Марказий Осиё минтақасидаги Хитой муҳандислик-техника ва технология соҳаси ёритилган биринчи кўргазма бўлиб, "электроэнергетика", "кимё", "алоқа", "юксак фан ва техника" каби бир неча йўналишларда ўтказилмоқда. Кўргазма доирасида ташкил этилаётган семинарлар, тақдимот маросимлари ва ҳар томонлама манфаатли музокаралар тадбирнинг салмоғи ва нуфузини янада ошириши шубҳасиз. Тадбирда Хитой иқтисодиётининг нефт ва газ, машинасозлик, энергетика, қурилиш ва қурилиш техникаси, ахборот технологияси ва телекоммуникация, металлургия ва қишлоқ хўжалиги каби ўнлаб тармоқларида фаолият юритувчи 70 га яқин компаниялари қатнашмоқда. Жумладан, улар қаторида дунёга машҳур CNPC (Нефт-газ саноати) ZTE (ахборот технологиялари) HUAWEI (телекоммуникация) компаниялари мавжуддир. Айтиш керакки, HUAWEI компанияси юртимиз аҳолисига анча таниш – компания Ўзбекистон бозорида 1998 йилдан бери фаолият юритади.

- Ҳозирда компаниямиз Ўзбекистоннинг етакчи операторлари, хусусан "Ўзбектелеком", "Ўздунробита", "Перфектум Мобайл" билан ҳамкорлик қилмоқда,- деди биз билан суҳбатда компаниянинг кўргазмадаги вакили жаноб Чен Гонг.- 2005 йилда "Хуавей Техинвестмент Ташкент" шўъба корхонасини очдик. Бундан ташқари, махсус ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, унда замонавий телекоммуникация ва маълумотлар жўнатиш тармоқлари билан ишлаш бўйича мутахассислар тайёрланади.

Бир қатор хитойлик компанияларнинг юртимиздаги муваффақиятли фаолияти кўргазманинг бошқа иштирокчиларини ҳам Ўзбекистон бозорига бўлган қизиқишларини оширмоқда. Хитойлик ишбилармонлар бу кўргазма орқали ҳам ўз имкониятларини намойиш этиш, ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини яқиндан ўрганиш ниятида эканликларини билдирдилар.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши эса, пировард натижада минтақада тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини таъминлайди. Шундай экан, шу кунларда Тошкентда ўтаётган "Хитой муҳандислик-техника кўргазмаси" нафақат Ўзбекистон ва Хитой алоқаларининг мустаҳкамланиши, балки минтақанинг иқтисодий равнақ топишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Алишер ДАВЛАТОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

- Молия ва кредит, Халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;

- Чет тилларни (асосан инглиз тили) биладиган ва банк тизимида иш стажига эга бўлган иқтисодчиларга устуворлик берилади;

- Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган

иқтисодчиларни

танлов асосида ишга таклиф этади.

Мурожаат учун телефонлар: 112-60-65; 112-58-78

ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ -
ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ (IFAC)НИНГ АССОЦИАЦИЯЛАНГАН АЪЗОСИ, ЕВРООСИЁ СЕРТИФИКАТЛАНГАН БУХГАЛТЕРЛАР ВА АУДИТОРЛАР КЕНГАШИ (ЕСБАК) ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ

Қуйидаги курсларга ёзилишингиз мумкинлигини эълон қилади:

- "CAP" ва "CIPA" («Сертификатланган амалиётчи бухгалтер» ва «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер») бухгалтерларни сертификатлаш дастури бўйича. Машғулотлар иш кунларида 23.10.06 йилдан бошлаб ва дам олиш кунлари гуруҳларнинг тўлишига қараб ўтказилади;
- аудиторлар учун "Молиявий ҳисоб-1" қисқа муддатли курсларига қабул қилиш давом этмоқда. (40 соат), курснинг баҳоси – 60 000 сўм. Имтиҳон 2006 йил 19 ноябрда ўтказилади.

Бошловчи бухгалтерлар учун қуйидаги курсларни таклиф қиламиз:

- "Замонавий бухгалтер" – 80 соат, баҳоси 100 000 сўм;
- "1С-корхона" – 40 соат, баҳоси 40 000 сўм.

Компьютерда ишлашни ўрганишни хоҳловчилар учун "Microsoft WindowsXP" курсини таклиф қиламиз.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича махсус адабиёт ҳамда ўқув қўлланмаларини сотиб олишни таклиф қиламиз.
Малакали мутахассислар ёрдамида молия ҳисоби, бошқарув ҳисоби, солиққа тортиш, хўжалик ҳуқуқи ва аудит бўйича юқори сифатли билимлар олиш ва талаб даражасидаги сертификатга эга бўлишни хоҳловчилар қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишларини сўраймиз:
134-19-01; 134-01-87; 134-18-90.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов
(Таҳрир Кенгашининг раиси),
Ашур Қодиров
(Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов
(Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдураҳмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР
Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун
134-43-18
телефони орқали мурожаат қилинг.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент,
F. Мавлонов кўчаси, 1а-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz
www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ *Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.*

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида ***137-тартиб рақами*** *билан рўйхатга олинган.*

Буюртма № Г-1104
Тираж 5367 нусха.
Босишга рухсат этилди
26.09.2006 й.

Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. *Корхона манзили:* Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилди 27.09.2006 й. 9.00. 1 2 3 4 6